Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош тумани ҳокими
ҚАРОРИ

Қарақалпақстан Республикасы Тақыятас районы ҳәкими
ШЕШИМИ

«6» март 2018 жыл № 298/03 Тақыятас районы

Фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ва хақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 97-модда)нинг 17, 22, 23 моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5052-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3268-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5-октябрдаги "Ўзбекистон Рсепубликаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги жамоат ишлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 799-сонли Қарорининг 3-иловаси билан тасдиқланган «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги Низомига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 5 моддасига асос иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, хақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мақсадида Тахиатош тумани ҳокими

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ 2018 йилда:

а) иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш, хақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича туман ҳокимлиги ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага мувофиқ;

б) иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш, хақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш ва касбга тайёрлаш бўйича корхона ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

в) касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича корхона ва ташкилотлар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

г) 2018 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурининг назорат кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар:

а) бюджет ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган ишсиз ва иш билан банд бўлмаган фуқароларнинг иш ҳақисининг 100 фоизи миқдорида таъминлаш бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилиши;

Бошқа корхона, тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларига ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган ишсиз ва иш билан банд бўлмаган фуқароларнинг иш ҳақисининг 50 фоизи миқдорида таъминлаш бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

б) касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишга сарфланадиган маблағлар бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин.

4. Ишчи гуруҳи аъзолари:

Фуқароларни жамоат ишларига жалб қилиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, жамоат ишларини ташкил қиладиган корхона ва ташкилотлар томонидан иш жойларининг белгиланган муддатларда ва тартибда яратилиши, иш жойлари санитария-гигиена нормаларига ҳамда меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласин.

5. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Негматов зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур қарор Тахиатош тумани «Тақыятас хабарлары» газетасида расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Тахиатош тумани ҳокими: **Ф.Алламбергенов**

Тахиатош тумани ҳокимининг
«6» 03 2018 йил
№2-38/53 сонли қарорига
1-илова

Фуқароларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, хақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳи

Т А Р К И Б И

1.	А.Аманов	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари
2.	Р.Негматов	Туман ҳокимининг ўринбосари
3.	Б.Шапиев	Туман бандликка кўмаклашиш маркази директори
4.	Ж.Сапаров	Туман молия бўлими мудири
5.	Лавозими бўйича	Туман «Ёшлар иттифоқи» туман кенгаши раиси

Тахиатош тумани ҳокимининг
«6» 03 2018 йил
№298/3 сонли қарорига
2-илова

Фуқароларни ишга жойлаштириш, хақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш ва касбга тайёрлаш бўйича корхона ва ташкилотлар Рўйхати

т/р	Корхона ва ташкилот номи	Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари тури	Жалб қилинадиган лар сони	Ташкил қилиш даври
1	“Абод макон” МФЙ	Шаҳар, туман, аҳоли пунктлари, маҳаллалар ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш	28	2018 йил давомида
2	“Жайхун” МФЙ	Шаҳар, туман, аҳоли пунктлари, маҳаллалар ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш	28	
3	“Тахиатош” МФЙ	Шаҳар, туман, аҳоли пунктлари, маҳаллалар ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш	28	
4	“Шамшироқ” МФЙ	Шаҳар, туман, аҳоли пунктлари, маҳаллалар ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш	29	
5	“Достлик” МФЙ	Шаҳар, туман, аҳоли пунктлари, маҳаллалар ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш	28	
6	“Халқлар дустлиги” МФЙ	Шаҳар, туман, аҳоли пунктлари, маҳаллалар ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш	29	
7	“Қусшилиқ” МФЙ	Шаҳар, туман, аҳоли пунктлари, маҳаллалар ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш	28	
8	“Айдин жол” МФЙ	Шаҳар, туман, аҳоли пунктлари, маҳаллалар ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш	29	
9	“Марказий” МФЙ	Шаҳар, туман, аҳоли пунктлари, маҳаллалар ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш	29	

10	“Нурли келешек” МФЙ	Шаҳар, туман, аҳоли пунктлари, маҳаллалар ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш	28	
11	“Найманкул” ОФЙ	Шаҳар, туман, аҳоли пунктлари, маҳаллалар ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш	28	
12	“Кенегес” ОФЙ	Шаҳар, туман, аҳоли пунктлари, маҳаллалар ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш	28	
13	“Сарайкўл” ОФЙ	Шаҳар, туман, аҳоли пунктлари, маҳаллалар ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш	28	
	ЖАМИ :		**368**	

Тахиатош тумани хокимининг
«6» 03 2018 йил
№233-сонли қарорига
3-илова

Касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича корхона ва ташкилотлар Рўйхати

т/р	Корхона ва ташкилот номи	Ўқитиладиган касби	Жалб қилинадиганлар сони	Ташкил қилиш даври
1	Тахиатош Энергетика касб-ҳунар коллежи	Тўқувчи - тикувчи	30	Март-июнь 2018 йил
2	Тахиатош Политехника касб-ҳунар коллежи	Тўқувчи - тикувчи	35	Июнь-август 2018 йил
	ЖАМИ:		**65**	

Тахиатош тумани хокимининг
«03» 03 2018 йил
№238/3 сонли қарорига
4-илова

Тахиатош туман бандликка кўмаклашиш маркази 2018 йилда
"Ахоли бандлигини таъминлаш худудий дастури"нинг назорат кўрсаткичлари

№	Туман ва шаҳар номи	Бандликка кўмаклашиш марказига учрашувчилар сони					Ишга жойлаштирилади				
		2018 йилда	I-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак	Жами	I-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак
1	Тахиатош тумани	**1522**	263	484	415	360	**1212**	210	310	354	338

№	Туман ва шаҳар номи	Ҳак тўланадиган жамоат ишларида қатнашади					Касбга тайёрлашга юборилади				
		2018 йилда	I-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак	Жами	I-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак
1	Тахиатош тумани	**368**	65	132	119	52	**65**	10	20	35	0